




E-ISSN 2181-1466



9 772181 146004

ISSN 2181-6875



9 772181 687004

	characteristics	
Saidov Kh.Sh.	Economizing language resources on the example of the word formation of modern English slang	132
Sharipova D.Sh.	The linguistic relationship of symbols	136
Абдувахабова Д.Н.	Тилшуносликда эмотивлик, модаллик ва баҳолаш категорияларининг ўзаро боғлиқлиги	143
Джалилова З.Б.	Инглиз ва ўзбек тилларида гул номларининг лексик-семантик майдони ҳамда лингвопоэтик хусусиятлари	147
Ибрагимова Н.А.	Аутентик матн тушунчаси, турлари ва таснифи	154
Қаршиев Н.Т.	Қорақўлчилик терминларининг ясаиш усуллари	159
Zikrillayev G'.N., Ro'ziyev Y.B., Safarov F.S.	Dialektik materializm va tilshunoslik metodologiyasi	168
Fayziyeva A.A.	Inson his-tuyg'ulariga oid konseptual modellar	176
ADABIYOTSHUNOSLIK *** LITERARY CRITICISM *** ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ		
Axmedova S.H.	Ingliz va o'zbek ertaklarida epik ko'makchilar talqini va tasviri	181
Davronova Sh.G'.	Isajon Sultonning "Bibi Salima" hikoyasida milliylik ifodasi	187
Djumayeva N.	Ingliz hamda o'zbek xalq ertaklaridagi sehrlı buyumlar orqali milliy madaniyatning ifodalanishi	192
Karimova D.H., Ahmadova X.N.	Aka-uka Grimm ertaklari o'zbekcha tarjima variantlarining shakllanish omillari va paradigmatic belgilari	198
Khayrullayeva N.N.	The analysis of the setting in the eco-fiction novels "Time is a river", "Sweetgrass", "The summer of lost and found" by American writer Mary Alice Monroe	203
Nodirova F.X.	Sa'dulla Hakim she'riyatida adabiy g'oya va tahlil	209
Rakhmatova M., Rakhmonova J.	XXI Century American prose: analysis of "The hunger games" by Susanne Collins	214
Xamdamova S.B., Tilavova N.	Charlz Dikkensning "Nikolas Niklbining hayoti va sarguzashtlari" romani kompozitsiyasi va tarbiya romanining janr xususiyatlari	219
Jo'rayeva M.J.	Hilda Dulitl she'riyatida imajizm ifodasi	225
Одилова Г.	Болалар адабиётида глуттоник дискурс таржимасида услуб ва маъно адекватлиги	229
Mizrabova J.I.	Uilyam Shekspirning "Qirol Lir" nomli asari tarjimalarida kalamburning qayta voqelantirishdagi muammolari	235
Эльманова М.Т.	Проблема семейных ценностей в романах Джойс Кэрролл Оатс "Мать, пропавшая без вести" и "Мы были Малвэнами"	245
MATNSHUNOSLIK VA ADABIY MANBASHUNOSLIK *** TEXTOLGY AND LITERARY SOURCE STUDY *** ТЕКСТОЛОГИЯ И ЛИТЕРАТУРНОЕ ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ		
Narziyeva D.I.	Mashrab devonlari nashrlaridagi tafovutlar	249
"NAVOIY GULSHANI"		
Amonova Z.Q.	Yuzungda zarvaraq har yonki lutfi benihoyatdur	253
PEDAGOGIKA *** ПЕДАГОГИКА *** PEDAGOGICS		
Burxonova M.X.	Tibbiy madaniyat tushunchasining shakllanish tarixi	255
Sariyev R.Sh.	Chizmachilik fanida ijodiy loyihalash faoliyatining pedagogik-psixologik xususiyatlari	259
Xodjayev R.I.	Bokschilarni tayyorlashning psixo-fiziologik xususiyatlari	263
TARIX *** ИСТОРИЯ *** HISTORY		
Ражабова Д.Я.	Бухоро амирлигидаги сунний-шиа ихтилофлари тарихидан	267

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ГУЛ НОМЛАРИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК
МАЙДОНИ ҲАМДА ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

*Джалилова Зарнигор Баходировна,
Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси
z.b.djalilova@buxdu.uz*

Аннотация: Мазкур иш инглиз ва ўзбек фитонимлари, ўсимлик номларини ифодаловчи атоқли номларга бағишланган бўлиб, унда қардош бўлмаган икки тилда мўжуд фитонимларнинг лексик-семантик ва лингвопоэтик хусусиятлари таҳлили берилган. Ўсимликлар, хусусан, гул номлари семантик маъносининг кенгайиши натижасида ҳосил бўлган фитоантропонимлар, фитотопонимлар, ўсимлик лексик-семантик гуруҳларнинг макро ва микро гуруҳларига икки тил доирасида мисоллар келтирилган. Шахс тасвирида қўлланадиган фитонимларнинг компонент таркиби грамматик ўхшашлик ҳисобига *от ва от, сифат билан от, от билан сифат* (инглиз тилида *от билан сифатдош*) каби кўринишларда учраши кўрсатилган. Шу билан бирга, гул фитоними орқали шакланган сўз бирикмалари ва ибораларнинг семантик майдони таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: фитоним, фитоантропоним, фитотопоним, ўсимликлар этимологияси: ўз ва ўзлашган қатлам.

Аннотация: Данная статья посвящена английским и узбекским фитонимам, существительным, представляющим названия растений, и дан анализ лексико-семантических и лингвопоэтических особенностей фитонимов в двух неродственных языках. Приведены примеры макро- и микрогрупп семантических групп в рамках двух языков. Показано, что компонентный состав фитонимов, используемых в образе человека, встречается в таких формах, как существительное и существительное, прилагательное и существительное, существительное и прилагательное (существительное и причастие в английском языке) за счёт грамматического сходства. При этом анализировалось семантическое поле словосочетаний и фраз, образованных цветочной фитонимией.

Ключевые слова: фитоним, фитоантропоним, фитотопоним, этимология растений: собственный и приобретённый слой.

Annotation: This work is devoted to English and Uzbek phytonyms, nouns representing the names of plants, and covers analysis of the lexical-semantic and linguopoetic features of phytonyms of two unrelated languages. Examples of macro- and microgroups of semantic groups within the framework of two languages are given. It is shown that the component composition of phytonyms used in the image of a person occurs in such forms as noun and noun, adjective and noun, noun and adjective (noun and participle in English) due to grammatical similarity. At the same time, the semantic field of phrases which have phytonym component was analyzed.

Keywords: phytonym, phytoanthroponym, phytotoponym, plant etymology: own and borrowed layer.

Кириш. Фитонимлар – бионимларнинг бир тури бўлиб, ўсимликларнинг нав ва хилларини ифодаловчи атоқли номлардир. Бадиий ижодда образ яратиш, фикрни поэтик кўринишда ифодалаш учун хизмат қилган фитонимлар фитопоэтонимлар даражасига кўтарилади. Гул номи сифатида учрайдиган фитонимлар ифода-тасвир учун хизмат қилганда ўхшатиш (гулюз), метафора (гулкомат), аллегория (гулдан кафан қилмок), муболага (гулдай нозик), киноя (атиргулдай тиканини санчмок), тазод (гул – тикан), товуш такрори – аллитерация (сунбул соч), символ – рамз (гул – маъшуқа, ёр, бола) сифатида намоён бўлади.

Фитонимлар сингари фитопоэтонимларда ҳам халқнинг деҳқончилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, полизчилик, гулчилик сингари маданиятининг лисоний бадиий ифодаси юзага чиқади.

Н.И. Коновалова фикрига кўра, фитономик лексика нафақат номинатив, балки экспрессив, баҳолаш ва бошқа вазифаларни ҳам бажаради.[5, 150]

“Фитоним” термини тилшуносликка XX асрнинг 70-йилларида кириб келганлиги сабабли “неологизм” (янги сўз) ҳисобланган. Фитонимлар ҳақида илк изланишлар А.В.Суперанскаянинг “Атоқли отларнинг умумий назарияси” (“Общая теория имени собственного”) номли ишида учрайди. Олиманинг таъкидлашича, ўсимликларга ном бериш анимистик қарашлар даврига бориб тақалади.[7, 189] Ўсимликларни номлаш жараёни инсоннинг олам лисоний манзарасини англаш жараёни билан боғлиқ кечган.

Асосий қисм. Исmlар луғатига диққат қаратилса, аксаран кизларга қўйиладиган исmlар (**антропонимлар**)нинг гул номлари асосида келиб чиққани англашилади. Бундай **фитоантропонимлар** қаторида Бинафша, Райҳон, Раъно, Наргис, Нилуфар, Ғунча, Лола, Гулраъно, Окгул каби бевосита гул номи билан ёки таркибида “гул” индикатори қўлланган Сарвигул, Гулчирой, Гуландом, Гулчехра, Моҳигул, Гулбаданбегим, Бахтигул сингари ва бошқа юзлаб исmlарни учратиш мумкин.[3, 208] Лекин гул сифатлаши ва гулга боғлаб исм қўйиш анъанаси фақат киз-аёллар учун эмас, эр кишилар учун ҳам амал қилади. Жумладан, қирғиз эпосида Семитей ва унинг турмуш ўртоғининг садоқатли дўсти Кулчорони “Гул йигит” деб аташади. Канчорони эса Семитейга хоинлик қилгани учун “Қон йигит” дейишади.

Гул билан боғлиқ аёл ва эркак исmlари ўзбек халқ достонларида ҳам учрайди. Бу ўринда бевосита Ғўрўғлининг хотинларидан бири бўлган Гулнор пари, Ғўрўғлининг набираси, Авазхоннинг кизи Гуланор, Ғўрўғлининг рақиби Райҳонараб ва унинг ойдек гўзал кизи Хирмангул исmlари ёдга келади. Гул билан боғлаб исм қўйиш анъанаси бошқа халқлар ҳаётида ҳам кузатилади. Масалан, инглизларда гул номи билан боғлиқ Daisy, Lily, Lillian, Lilac, Rose, Jasmine, Aster, Crisantha, Hazel (дарахт ва ёнғоқ номи, лекин шу номда сариқ гуллайдиган гул ҳам бор), Iris, Ivy, Lotus, Magnolia, Marigold, Myrtle, Rosemary, Violet, Narcissa, Gardenia, Flora (юнонларда гул ва баҳор маъбудаси) каби аёллар исми ҳамда Basil, Bud, Saffron, Narcissus, Watson, Trevor, Yarrow, Ren, Quill сингари эркаклар исми учрайди.

Инглиз фитонимларининг номланиш мотивацияси бўйича антропоним компонентига эга мисоллар ҳам кўп учрайди. Жумладан, М.Хошимхўжаева антропоним компонентли фитонимларни махсус мотивацион гуруҳларга ажратиб ўрганар экан, бунда диний образлар (Ҳассаи Мусо гиёҳи), мифологик персонажлар (Нарцис гули, Ирис), халқ орасида энг кўп учрайдиган исmlари (марварид гул) иштирокида шаклланган гул номларига алоҳида эътибор қаратгани кузатилади.[8, 369]

Инглиз тилида ўсимлик номлари билан аталган жой, кўча, туман, шаҳар номлари тез-тез учрайдиган ҳодисадир. Энг кенг тарқалгани куйидаги уч гуруҳга бўлинади: elm (қарағай: Elm Cambridgeshire) билан аталган шаҳар жой номлари, oak (эман; Лондон худудлари номи: Oakwood, Burnt Oak) ва гуллар номи билан аталган жой номлари. Royal Mailнинг статистикасига кўра, Британиянинг 100 мингдан ортиқ, яъни жами кўчалар сонининг чораги гуллар номи билан аталган. Улардан энг машҳурлари Rose, Primrose, Heather, Jasmine, Lilac, Lavender, Magnolia, Honeysuckle, Daisy, Mayflower, Wisteria, Orchid, Poppy, Lily, Foxglove, Violet, Camellia кабилардир. Жанубий Лондон шивит далалари (dill meadow) шарафига номланган. Бошқа худудларнинг марказий шаҳарлари эса қарағай, эман, терак ва супурги каби ўсимликлар билан номланган.[13]

Халқ асарларида гоҳ реал, гоҳ реал бўлмаган жой номларининг айрим фитонимлар билан аталгани, **фитотопоним** сифатида қўлланганига ҳам гувоҳ бўлиш мумкин. Бунга Наистон (ҳеч қаерда бўлмаган) тўқай, яъни қамиш билан қопланган майдон, Гулистон, Гулшанбоғ, Гулбоғ, Гулобод каби эртак ва достонларда учрайдиган жой номларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Айниқса, Гулбоғ, Гулшанбоғ кабилар парилар макони сифатида тасвирланиши билан алоҳида эътиборни тортади. Бундай маконлар, одатда, гуллаб-яшнаган, бахтли-саодатли кишилар яшайдиган манзил сифатида тасвирланади. Қизиғи шундаки, татар-бошқирлар орасида эпик ривоят қилувчини “сасан” ёки “шесен” номлари қатори “гулен” номи билан ҳам юритадилар.[4,63]

Фитонимларнинг лексик-семантик гуруҳлари кўп бўлса—да, инглиз ва ўзбек шеърлятида, асосан, куйидаги семантик майдонларни кузатиш мумкин:

- Гул номларини ифодаловчи фитонимлар.
- Манзарали дарахтларни ифодаловчи фитонимлар.
- Мевали дарахтларни ифодаловчи фитонимлар.
- Ўт ва гиёҳларни ифодаловчи фитонимлар.
- Ўсимликнинг бутун-қисм муносабатлари.
- Резаворларни ифодаловчи фитонимлар.

Лексик-семантик майдон	Инглиз	Ўзбек
Гуллар	Rose, primrose, marigold, violet, pansy, jasmine, tulip, lily, columbine, amaryllis,	Бинафша, наргис, нилуфар, атиргул, ямин, лола, наврўзгул, раъно, райхон,
Манзарали дарахтлар	Oak, willow tree, cypress, olive, myrtle, holly tree	Терак, сарв, шамшод, мажнунтол, карагай
Мевали дарахтлар	Apple, cherry, peach, orange, almond, grapes	Олма, анор, шафтоли, гилос, узум
Ўтлар	Weed, greens, amaranth	Майса, бегона ўт, ўсма
Бутун-қисм	Leaf, root, thorn, petal	Барг, илдиз, поя, гулбарг, тикан.
Резаворлар	strawberry, raspberry	Қулупнай, ертути, итузум

Баъзан ўсимликнинг номи, унинг меваси номи ёки гулининг номи билан аталади. Бундай ҳолатда қайси тушунча назарда тутилиши (“ўсимлик тури” ёки “мева”, “ўсимлик тури” ёки “гул”) контекстдан англашилади. Бу ҳақда Г.Х. Неъматова шундай ёзади: “Ўзбек тили ўсимлик номлари лексемаларининг маъновий қиймати “ўсимлик”, “ҳосил”, “маҳсулот” каби асосий семаларни ўз ичига олади ва нутқда шароит, қуршов сўзлари таъсири остида бу маънолардан бирини воқеалантиради”. [6,11]

Гул номлари ижобий ёки салбий маъноларда қўлланади. Масалан, унинг ижобий маъноси “Гулдай очилиб юринг” олқишида, салбий маъноси эса “Кўзинга гул тушсин” қарғишида яққол кўринади. Қарғиш матнида қўлланган “гул тушмоқ” ибораси кўз касаллиги номини билдириб келган.

Инглиз ва ўзбек тилларида гул номларининг бадиий матнларда қўлланиб келишида айрим муштаракликлар, интерференция ҳолатлари учрайди. Ҳар иккала тил соҳибларининг лисоний хотирасида сақланиб, нутқий фаолиятида тез-тез мурожаат қилинадиган гул номлари муайян лексик-семантик тизимни ташкил қилади. Улар архаик ва замонавий қатламга ҳам эга. Масалан, ўзбек тилида чечак / гул; инглиз тилида daffodowndilly / daffodil архаик (диахрон), лилия; stocus (шафранга синоним тарзда) замонавий (синхрон) қатламга алоқадордир.

Тарихий ва замонавий асарларда қўлланган гул номлари таҳлили, уларнинг сўзлашув ва бадиий, хусусан, шеърий нутқдаги ўрни, грамматик ҳамда тасвирий восита сифатидаги услубий хусусиятлари кейинги пайтларда матнга тил тизими унсурларининг нутққа кўчирилиши жараёни, инсоннинг коммуникатив мулоқот алоқаси жараёнида унинг билим ва тафакқурини кўрсатиб берувчи ментал қурилма эканини далиллайди. Ю.Д.Апресян, В.А.Звегенцев ва И.Кўчқортоевларнинг фикрига кўра, сўзларнинг семантик имкониятлари чегараланган бўлиб, улар лексик имкониятларидан келиб чиқиб, бошқа сўзларга боғланади. [2,4; 9,35]

Гуллар номи шахс тавсифи учун хизмат қилганда сифат каби вазифа бажариб келади. Бу инглиз ва ўзбек тиллари учун барабар ҳосдир. Бунда уларнинг компонент таркиби грамматик ўхшашлик ҳисобга олинган ҳолда қуйидаги кўринишларда учрайди:

- **от билан от:** ғунча лаб; сунбул соч / rose cheeks, cherry lips, apple breast;
- **сифат билан от:** лоларанг юз; гулдай қомат / rosy cheeks, rosy lips;
- **от билан сифат:** гулдай нозик / **от билан сифатдош** rose-cheeked, rose-lipt ва ҳ.к.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги шахс хусусиятларини билдирувчи инсон ташқи кўриниши ҳамда унинг характери ифодаловчи бирликларнинг учта асосий фаол турини қиёсланаётган тилларга хос материал асосида қуйидагича морфологик гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Сифат: ғунча лаб. rose cheeks, rose lips. Гул сўзли сифатлар инсон сифати, яъни нисбий предметнинг бошқа предметга алоқаси сифатини белгилаб кўрсатишга хизмат қилади.

2. От: наргис – кўз, ғунча – лаб. Бунда roses-ёноқлар, cherries-лаблар, apples-кўкс, lilies-кўкс, кўл тушунчаларида қўлланилади.

3. Фель: гуллаган ҳаёт, сўлган гул / blush like a rose-атиргулдек қизармоқ, flourish-гулламоқ.

Инглиз ва ўзбек тилларида шахс тавсифи учун ишлатиладиган гул фитоним таркибли **иборалар** ҳам мавжуд. Масалан: **қўли гул / fair as a rose, fresh as a rose, fair as a lily, she has roses in her cheeks** каби. Бунга кўра, ушбу хил ибораларни қуйидагича бўлиб ўрганиш мумкин:

а) “хусусият сифати” бўлиб келадиган иборалар (*гулдай нозик қалбли*);

б) “нисбий сифат” бўлиб келадиган иборалар (*гулдай очилмоқ*).

Д.Худойберганова ўзбек тилида турғун ўхшатиш эталони асосида ҳосил бўлган ибораларни тилнинг лингвокультурологик хусусиятларини кўрсатувчи тил бирлиги сифатида қараб, маъновий гуруҳларга ажратгани каби таркибида гул фитоними мавжуд ибораларни инсон тана аъзоларига нисбатан сифатловчи вазифасида келишига биноан қуйидагича таснифлаб кўрсатиш мумкин:

а) инсон ташқи кўриниши (*гулдек нозик*);

б) инсон жисмоний хусусиятлари (*гулдек нафис*);

в) инсоннинг ҳолати (*гулдек очилмоқ, чирмовиқдай чирмашмоқ*);

г) инсон хатти-ҳаракати (*гулдек ифор таратмоқ*) ва ҳ.к.

Гул фитоними орқали шаклланган сўз бирикмалари ва ибораларнинг семантик майдони ҳам анча кенгдир:

хурмат кўрсатмоқ, севги изҳор қилмоқ маъносида: *гул бермоқ, гул тутмоқ*;

гўзаллик маъносида: *гулдай очилган / English rose – инглиз атиргули, fresh as a rose – атиргулдек очилган, fair as a rose – атиргулдек гўзал*;

дард-ташвиш маъносида: *кўзига гул қўнган / a bed of thorns – сўзма-сўз таржимаси тиканлар тўшаги / the thorny path of life – сўзма-сўз таржимаси ҳаётнинг тиканли йўли*;

хаёт қийинчиликлари ва азоблари маъносида: *truths and roses have thorns about them / ҳақиқат ва атиргул тикансиз бўлмас; wherever a man dwells he shall be sure to have a thorn bush near his door / Инсон қаерда яшамасин, эшиги ёнида албатта тиканли бута бўлади* каби мақоллар ҳаётда қийинчиликлар бўлиши табиий ҳодиса эканлигини англатади;

омад, муваффақиятга эришмоқ, бирор ишни ижобий яқунламоқ маъносида: *to come up roses – сўзма-сўз таржимаси атиргул бўлмоқ; come up smelling of roses – сўзма-сўз таржимаси атиргул бўлиб ҳид таратмоқ*;

тўқис, гўзал ҳаёт кечирмоқ маъносида: *Be/live in clover, to live like a bee in clover – сўзма-сўз таржимаси бедада яшамоқ, беда гулдаги аридек яшамоқ*;

тўқин, осон ҳаёт маъносида: *bed of roses / “атиргул тўшаги”* деб сўзма-сўз таржима қилинса-да, *тўқин, осон ҳаёт* деган маънони билдиради;

хаётдан роҳатланиб, завқланиб яшамоқ маъносида: *to gather life's roses – сўзма-сўз таржимада “хаёт атиргулларини термоқ”*;

саломатлик маъносида: *to have roses in one's cheeks – “ёноқларда атиргуллар бор”,* яъни ёноқларнинг соғлом қирмизи рангда бўлиши; *to bring back the roses to one's cheeks – “ёноқларга атиргулнинг қайтиши”,* яъни тузалиб, ёноқларига қайта қирғиш тус кириши; *as strong as oak – “эмандек бақувват”*;

соғлиғи заифлашмоқ, ёшлиги кетмоқ маъносида: *to lose one's roses* сўзма-сўз таржимада “атиргулларини йўқотмоқ”;

юзи қизармоқ маъносида: *to blush like a rose*;

уддабурон, моҳир маъносида: *қўли гул*.

Гул фитонимлари таркибига кўра бир сўздан (лола / tulip), икки сўздан (атиргул / rosemary, marygold), уч сўздан (гултожихўроз / forget-me-not, Mary's mikdrop) иборатлиги кузатилади. Бу ҳолат инглиз ва ўзбек тилларига умумий хосдир.

Қизиғи шундаки, ўзбек тилида атиргул ясама ҳамда икки ўзакли сўз бўлса, инглиз тилида у содда *rose* сўзи билан ифода этилади.

Кўринадики, **деривация**сига кўра фитонимларни икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин: а) туб фитонимлар; б) ясама фитонимлар.

Туб фитонимлар таркиби ўзак ҳамда луғавий шакл ясовчилардангина иборат бўлади. Ясама фитонимлар эса, ўз навбатида, яна иккига бўлинади: а) содда ясама фитонимлар; б) қўшма ясама фитонимлар.

Содда ясама фитонимлар таркиби ўзак+ясовчи қўшимча кўринишига эга бўлса, қўшма ясама фитонимлар ўзак+ўзак қолипиде ясалади. Масалан, инглиз тилида содда ясама фитонимлар -age, -bet, -y (lovage, fruitage, bugnet, barley) суффикслари орқали ҳосил бўлгани камроқ бўлса-да, кузатилади.

Этимологияси (келиб чиқиши) жиҳатидан ўсимлик номлари ўз ва ўзлашган қатламга эга. Жумладан, *гул* сўзи аслида ўзлашма сўздир. У ўзбек тилига форс-тожик тили орқали кириб келган. Унгача туркий тиллар оиласига кирувчи ўзбек тилида “гул” сўзи ўрнида “чечак” сўзи ишлатилган. Кейинчалик бу иккала сўз “*гул-чечак*” шаклида биргаликда қўлланиб, жуфт сўзни ҳосил қилган. Бунда “чечак” сўзининг маъноси кенгайган ҳолда “ўсимлик” маъносини ифодалаб келган. Ана шу

нуктаи назардан ҳар қандай тил луғат таркибидаги гул номларини иккига бўлиб ўрганиш мумкин: а) ўз қатлам; б) ўзлашган қатлам.

“Ўз қатлам” дейилганда, асли шу тилники бўлган сўзлар, иборалар ва шулар асосидаги ясашиллар, шунингдек, ўз аффикси билан бошқа тил лексемаларидан ҳосил қилинадиган ясашиллар тушунилади. Ўз ва ўзлашма қатлам тушунчаси лексема ўзлаштиришга бевосита алоқадордир. “Ҳозирги ўзбек адабий тили” бўйича яратилган дарслик ва қўлланмаларда лексема ўзлаштириш ходисасига алоҳида диққат қилинган.

1. Ўзлашма бирликлар сўзма-сўз таржимадан иборат бўлиши мумкин. Бунда иккинчи бир тилдан ҳам маъно, ҳам форма (шакл) қабул қилинади (худди шу сўзларнинг эквиваленти келтирилади): *китайская роза – хитой атиргули* каби. Бу гул номи ўзбек тилига рус тили орқали кириб келган бўлса, япон тилидан *сакура* номи ўзлаштирилган. Инглиз тилидаги *primrose, rose, lily* лотин тилидан кириб келган.

2. Ўзлашма бирликларда ҳам маъно, ҳам шакл (сўзлар) танлашда бўлган эркинлик бир маънони ифодаловчи бир неча вариантларнинг келиб чиқишига йўл очади. Бу ҳол ҳатто тилда синонимик бирликларнинг келиб чиқишига ҳам сабабчи бўлиши мумкин: *муғжа/туркча; гунча/тожикча; daffodil/инглиз (герман тилларда); yellow narcissus/лотин* каби.

Бир сўздан таркиб топган инглиз фитонимларининг салмоқли қисмини ўзлашган сўзлар, камроқ ҳиссасини эса аффиксация, субстанцификация (*pink* «чиннигул», *everlasting* «сўлмас чечак») ва қисқартириш (*lily* < *Lilium* «лилия», *elder* < *elder berry tree* >) орқали ясалган отлар ташкил қилади.[1, 8]

Инглиз тилида бошқа тиллардан кириб келган ўзлашма сўзлар салмоғи анча кенг бўлиб, уларнинг аксариятини лотин ва юнон тилларидан ўзлашган фитонимик лексемалар ташкил этади.[1,9] *Дарҳақиқат, rose, violet, laurel* лотин тилидан; *amaryllis, gillyflower* юнон тилидан; *bellamore* француз тилидан инглиз тилига кириб келганини мавжуд луғатлар орқали билиб олиш мумкин. Шундан *rose, rosa* (атиргул) эски инглиз тилига лотин тили воситасида, *violet* (бинафша) лотинча “*viole*”, французча “*viola*” сўзлари асосида ўрта инглиз тилига, *laurel* (лавр), яъни лотинча “*laurus*”, эски француз тилидаги “*lorer*”, “*lor laurel*” сўзларидан инглиз тилига кириб келган.[14]

Худди шунингдек, юнон тилидан “*amaryllis*” (амариллис), “*amaryssein*”; “*gillyflower*” (чиннигул) сўзлари ўзлашган. Бу сўзлар юнон тилида “*karyophyllon*”, лотин тилида “*strophyllyum*”, эски француз тилида “*girofle*”, ўрта инглиз тилида “*gilofre clove*” шаклида ишлатилган.

Сўзма-сўз таржимаси “гўзал аёл / муҳаббат” тушунчасини англаган французча “*bell amore*” ёки “*bellamore*” номли афсонавий гул номи француз тилидан инглиз тилига ўтган.

Эътиборли томони шундаки, инглиз тилига форс, араб, турк тилларидан ўзлаштирилган гул номлари ҳам мавжуд. Бунга *carnagione* италян тилидан, *yasmin* форс тилидан, *tulip* турк тилидан ўзлашганини айтиш мумкин. Аслида илдизи форс тилидан келиб чиққан “*yasmin*” (ясмин ёки жасмин) атамаси дастлаб араб тилига “*yas(a)min*”, ундан кейин *jessamine* ёки “*jasmine*” кўринишида француз тилига ўзлашган. Кейин шу тиллар воситасида инглиз тилига кириб келган.[14]

Келиб чиқиши турк тили билан боғлиқ бўлган “*tulbent*” (лола ёки қалпоқ) сўзи *tulip, tulpe* немис тилига, ундан сўнг “*tulipe*”, “*a tulip*” француз тилига кўчган.[14]

Сўзма-сўз таржимада “гўзал аёл” тушунчасини ифодалайдиган “*belladonna*” гулининг номи эски италян тилида *belladonna* сўзидан ўзлашган бўлса,[14] *carnation* (чиннигул) сўзининг илдизи асли италян тилига хос бўлиб, француз тили орқали инглиз тилига кириб келган.

Юқорида келтирилган мисоллардан маълум бўлмоқдаки, ўзлашма сўзлар тил ривожининг бир нечта босқичларидан ўтса-да, кўпинча уларнинг тарихий илдизи лотин ва юнон тилларига бориб тақалади.

Инглиз тилида мураккаб, яъни бир нечта сўзларнинг қўшилиши натижасида вужудга келган фитонимик лексемалар, одатда, икки усулда ҳосил бўлгани кузатилади. Бундай фитонимик номларнинг қўшма сўзларни ҳосил қилиши кенг учрайдиган ҳодисадир. Бу жиҳатдан инглиз тилида қўшма сўзлар орқали аталадиган фитоним номларнинг ясалиши икки хилда учрайди:

1. Фақат туб сўзларнинг бирикувидан ясалган оддий қўшма сўз. Масалан, *hawthorn* / дўлана (сўзма-сўз таржимаси «чамбарак» + «тикан»); *rosemary* / розмарин (сўзма-сўз таржимаси «атиргул» + «Мария»); *marigold* / гулидовуд (сўзма-сўз таржимаси «мария» + «олтин»); *hazelwort*/Европа ёввойи имбири кабилар бунга далил бўла олади.

2. Таркибий компонентлари предлог воситасида боғланган қўшма сўзлар. Бундай фитонимлар инглиз тилида анчагина. *Lily-of-the-valley* «марваридгул» (сўзма-сўз таржимаси “водий нилуфари”),

jack-in-the-bush (сўзма-сўз таржимаси “буталардаги Жэк”), *jack-jump-about* (сўзма-сўз таржимаси “сакраш арафасидаги Жэк”) кабилар шулар жумласидандир.

Предлог воситасида боғланган шундай қўшма сўзлар ҳам борки, улар тўрт ва ундан ортик бирликлардан иборатдир. Масалан, *john-that-goes-to-bed-at-noon* (сўзма-сўз таржимаси “пешин уйқуга кетадиган Жон”) номланган ўсимликнинг гули эрталаб очилиб, тушда ёпилади. Табиийки, ўсимлик номи унинг айнан шу физиологик хусусиятидан келиб чиққан. Ўзбек тилида худди шундай гул тури “*намоз+шом+гул*” номи билан учрайди.

Инглиз ва ўзбек тилларда параллел ҳолда яшаб келувчи, қўлланувчи гул номлари мавжуд: *amirgul/poza; clove/carnation/gillyflower* каби.

Бундай ҳар икки тилда параллел қўлланувчи гул номларининг ҳар бири асосида унинг яратувчиси ва эгаси бўлган халқнинг тарихий тараққиёти билан боғлиқ предмет, воқеа ва ҳодисалар ётади. Тиллардаги бир хил сўзлар, бир хил маънони ифодаловчи лексик бирликлар кишилик жамияти учун умумий бўлган ўринларда учрайди. Бундай сўзлар ҳар бир тилда шу тилнинг эгаси бўлган халқнинг ўз тараққиёти асосида мустақил равишда шаклланган бўлади. Лекин улар ўз образлигига кўра бири иккинчисини тўлиқ қопламайди.

Китобий йўл билан адабий тилга кириб келган гул номлари ҳам мавжуд: *наргис, сунбул; bellamour, belladonna* сингари.

Ўзбек тилида турғун ўхшатиш эталонига эга гул номлари бор. Сунбул – соч; наргис – кўз; *rose* – ёноқлар; *cherry* – лаб ва ҳоказо каби.

Умуман айтганда, гулларни тилнинг лингвокультурологик хусусиятларини кўрсатувчи тил бирлиги сифатида инсон аъзолари (гулкомат), ташқи кўриниши (ғунчадек лаб), жисмоний хусусияти (гулдек нозик), хатти-ҳаракати (очилган гулдек ёки гул каби очилмоқ) сингарилар билан боғлиқ бўлган бир қатор гуруҳларга бўлиб ўрганса бўлади. Шундан шахс хусусиятини ифодаловчи гуллар семантик майдонини қуйидаги микрогуруҳлар асосида таҳлил қилиш мумкин, деб ҳисоблаймиз: *чиройли бўлмоқ / гулдай очилмоқ; қувонмоқ / гул-гул яшинамоқ, гулдай яшинамоқ; уялмоқ / гулдай қизармоқ; сирни фош қилиб қўймоқ / гуллаб қўймоқ; ишни бузиб қўймоқ / гул кесмоқ; обод қилмоқ / гуллатмоқ; тозаламоқ / чиннидай қилмоқ; кўнгиш бермоқ / гул тутмоқ, гул бермоқ* ва ҳ.к.

Бу микрогуруҳлар ҳам, ўз навбатида, яна бир қатор ички кичик гуруҳларга бўлиниб кетади. Масалан, шахс хусусиятини ифодаловчи микрогуруҳ – **барвасталик** / чинордек қад, шамшоддек қад, найновлик / мирзатерак, **гердайганлик, кибрлилик** / теракдек қаймоқ, **тўкин-сочинлик** / тутдек тўкилмоқ, **ғамгинлик** / мажнунтолдек бош эгмоқ, **бақувватлик** / зарангдек, **билимсизлик** / мияси пўк, дубдек, ошқовоқбош, **озгин** / қамишдек, **зарарқунанда** / чакиртиканак, **юзи буришган** / шафтолиқоқи, **қизилюзлилик** / анорюзли, **сийна** / қўшолма, қўшанор, **хушрўй** / узумнинг сувидай, **қизил тошма чиқариб касалланмоқ** / гул чиқармоқ, **уддабурон** / кўли гул каби таггуруҳларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Қиролича Виктория даврида кириб келган “Language of flowers” (“Гуллар тили”) шеъриятда гуллар ва дарахтларга алоқадор янги маъноларни олиб кирди. Унга кўра, ҳар бир гулга махсус маъно юкланган ва баъзан бу маънолар ўсимликларнинг мифологик, фольклорий маъноларидан фарқ қилган. Масалан, *carnation* (чиннигул) завқланиш, *columbine* (каломбина) ахмоқ ёки нодон, *cherry blossom* (гилос гули) таълим, *cowslip* (наврўзгул) оддийлик, *cypress* (кипарис) аза, *daffodils* (оч сарик тусдаги наргис) эътибор, *daisy* (мойчечак) беғуборлик, *jasmine* (жасмин) гўзаллик, *laurel* (лавр) шон-шараф, *white lily* (оқ нилуфар) поклик, *water lily* (сув нилуфари), *myrtle* (мирт) муҳаббат, *narcissus* (наргис) худбинлик, *iris* (ирис) умид, хабар, ёруғлик ва қудрат, *oak* (эман) улуғворлик, меҳмондўстлик, *olive* (зайтун) тинчлик, хавфсизлик, *pansy* (бинафша) ўй-хаёллар, *primrose* (примула) ёшлик, севишганларнинг шубҳа ва кўркувлари, *rose* (атиргул) гўзаллик, аёл, севги, *rosebud* (гулгунча) ёшлик чиройи, *tulip* (лола) кучли муҳаббат, абадий ажралиш, *violet* (бинафша) қатъиятлик, *willow* (мажнунтол) тарк этилган муҳаббат маъноларини ифодалаб келган.

Инглиз ва ўзбек тилларида гулнинг соматизмлар тавсифи учун қўлланиши алоҳида эътиборни тортади:

юз лексемасининг гул фитонимлари билан боғланиши: *гул юз, анор юз, лола юз, лола ёноқ / Rose cheeks, cherry cheeks, apples in cheeks, rose and lily;*

лаб: *гунча лаб, гилос лаб, анор лаб / Cherries, rose-buds (amirgul gunchasi);*

оғиз: *ниста даҳан;*

соч: *сунбул соч, райҳон соч/ folded flower (ўралган/букилган гул), golden tree (тилла дарахт);*

кўз: *наргис кўз / pinks (чиннигулнинг ҳажман кичик тури), narcissus (наргис), violet (бинафша);*

қош: ўсма, *bellatour* (номаълум афсонавий гўзал гул);
қовоқ: бодом қовоқ / *tossy stone* (мохли тош); **қўл:** қўли гул / *lily hands* (нилуфар қўллар);
тан, бадан: гулбадан, гултан; шамшод, сарв, ниҳол
пешона: лолақизгалдоқ / *lily* (нилуфар);
из: босган изи гул.

Демак, кўпинча турли соматизмлар гул фитоними билан боғланиб, шахс сифатини ифодалашга хизмат қилади. Бунда улар англлатган маъно кўчма (коннотатив) бўлади. Масалан, гуллар ташки гўзалликни (гулбадан); фаол яратувчи, уддабуронлик (қўли гул); рангни (лоладай лаб); шакл-кўринишни (ғунчадек лаб); касалланишни (гул чиқармоқ); ғамгинликни (сарик гулдай сарғаймоқ, гулдай сўлимоқ) маъноларини ифодалаб келади.

Гул номини ифодаловчи сўзлар шакл ва маъно муносабатига кўра уч хилдир:

а) шаклдош (омоним): гул – ўсимлик номи, гул – касаллик номи;

б) маънодош (синоним) ғунча, муғжа; лола юз, анор юз, гул юз / кизил юз; Cherries, rose-bud, roses, flowers on cheeks.

в) зид маъноли (антоним): гул / тикан; flower, rose / thorn; lily / weed.

Гул фитонимлари ва улар асосида пайдо бўлган фразеологизмлар кўпинча ўхшатишга асосланган образлар орқали ифодаланиши аёнлашади. Улар алоҳида амбивалентлик хусусиятига эга. Шунинг учун уларнинг муайян маъновий гуруҳга тегишлилигини белгилаш шартлидир. Айниқса, амбивалентлик хусусияти кўпчилик жиҳатдан инглиз ва ўзбек тили фразеологизмларига ҳам мансубдир.

Хулоса. Барча халқлар орасида гуллар билан алоқадор эътиқодий қарашлар тизими шаклланган бўлиб, уларнинг келиб чиқиши ибтидоий инсонларнинг анимистик ва тотемистик мифологик тасаввур-тушунчаларига бориб тақалади. Жамийки халқларда гулларга ошuftалик ва эътиқод қадимдан шаклланган бўлиб, қатор анъаналарда ҳамон давом этиб келмоқда.

АДАБИЁТЛАР:

1. Аникина Т. В. Словообразовательная структура фитонимической лексики в английском и русском языках // *Научный результат. Вопросы теоретической и прикладной лингвистики*. – Т.4. – №4. – 2018.
2. Апресян Ю.Д. *Лексическая семантика*. – М.: Наука. 1974. – С.4
3. Бегматов Э.А. *Ўзбек исмлари*. – Т.: Қомуслар Бош тахририяти, 1991. – 208 б.
4. Зобанорлу Ўзкул. *Турк дунёси эпик анъанаси. Акчаг наирлари*. – Анқара, 2007. – Б.63.
5. Коновалова Н.И. *Народная фитонимия как фрагмент языковой картины мира*. – Екатеринбург: Изд-во Дома учителя, 2001. – С.150.
6. Неъматова Г. Ҳ. *Ўзбек тилида ўсимлик номлари лексемалари: тизими ва бадиий қўлланиши*. Филол. фан. номз... дис. автореф. – Тошкент, 1998. – Б.14 (11);
7. Суперанская А.В. *Общая теория имени собственного*. – М.: Наука, 1973. – С.189.
8. Хошимхуджаева М.М. *Мотивологический анализ английских, русских и узбекских фитонимов с компонентом-антропонимом*. – *Проблемы истории, филологии, культуры*. – 2017. – №1. – С. 369-378
9. Кўчқортюев И. *Сўз валентлиги ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти*. – 1973. – 3-сон. Б.35.
10. Bakhodirovna, D. Z. (2021). *Description of Human Features and Feelings through Flora in English Poetry*. *Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture*, 2(10), 6-9. <https://doi.org/10.47494/cajlp.v2i10.209>
11. Djalilova, Z. B. (2020). *Flora in Edmund Spenser's poetry*. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 04 (84), 371-375.
12. Djalilova, Z. (2022). *Описание человеческого образа посредством цветов в английской поэзии*. *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 26(26). извлечено из http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/8567
13. <https://www.countryliving.com/uk/homes-interiors/property/a20868538/quarter-british-houses-streets-flower-tree-plant-names/>
14. <https://www.merriam-webster.com/dictionary>
15. Kodirova Kholida Khayriddin kizi. (2022). *The Analysis of Illocutionary Acts in Adventures of Tom Sawyer by Mark Twain*. *Miasto Przyszłości*, 28, 324–328. <http://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/648>
16. Yunusova, A. (2023). *Thinking, reading and writing critically*. *Центр научных публикаций buxdu.Uz*, 27(27). http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/8733.